



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

# Марказий банк асосий ставкасини кўриб чиқиш бўйича Пул-кредит сиёсати таҳлили

Пул-кредит сиёсати  
департаменти


2020 йил 5 март



# Инфляция ва инфляцион кутилмалар

# Умумий инфляция динамикаси

(фоизда)



# Инфляция пасайишининг омиллари

Бюджет харажатлари йиллик ўсиш суръатларининг секинлашуви ва фискаль интизомнинг оширилиши

- 2019 йил IV чорагида 2018 йил мос даврига нисбатан 50 фоиз бандга (**13,2 трлн. сумдан 7,3 трлн. сумгача**) камайди;
- ягона ғазна ҳисобварағи қолдиғи 2020 йилнинг январь-февралда **2,8 трлн. сўмга** ошди (2019 йил мос даврида **1 трлн. сўмга**).

Иқтисодиётга кредит қўйилмалар қолдиғи ўсишининг мўътадиллашуви

- 2020 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодиётга ажратилган кредитларнинг ўсиш суръати 2019 йилнинг мос даврига **6,0 фоиздан 2,5 фоизгача** пасайди.
- 2019 йил IV чорагида кредит қўйилмалар қолдиғи ўсиши **2 борабарга** секинлашди.

## Инфляция пасайишининг омиллари

Юқоридаги икки омил импортга бўлган талабнинг кескин ошишини олдини олишга хизмат қилди

- Йиллик импорт ўсиш суръати 2020 йил январда **23** фоизгача пасайди (2019 йил январь ойида **43** фоизни, энг юқори суръат эса июль ойида **46** фоизни ташкил этган);
- Импорт ҳажмлари ўсиши мувозанат даражаси бўйича қўшимча изланишлар талаб этади.

Миллий валюта алмашув курси девальвацияси секинлашди ва нисбатан барқарор бўлди

- 2019 йилнинг IV чорагида девальвация 1 фоизни ташкил этди;
- 2020 йилнинг январь-февраль ойларида қарийб ўзгаришсиз қолди.

## Инфляциянинг пасайишининг омиллари


2019 йилда кузатилган бир марталик омиллар таъсирининг камайиши

- *январь ойидаги қўшилган қиймат солиғи базасининг кенгайиши;*
- *август ойидаги энергия ресурслари нархлари оширилиши ва валюта курсининг кескин девальвацияси;*
- *октябрь ойида нон маҳсулотлари нархлари оширилиши ва бошқалар.*

Мева ва сабзавот нархларида мавсумий ўзгаришлар таъсири ўтган йилларга нисбатан паст бўлди


# 2020 йилнинг январь-февралида инфляция ва унинг асосий компонентлари кўрсаткичлари

а) фоизда



● Инфляция

б) компонентлари нархлари индекси ўзгариши фоизда



■ Озиқ-овқат маҳсулотлари  
■ Ноозиқ-овқат маҳсулотлари  
■ Хизматлар

# Айрим товарлар нархлари ўзгариши

	2019 (январь–февраль)	2020 (январь–февраль)
<b>Умумий ИНИ</b>	<b>3.12%</b>	<b>1.43%</b>
<b>Озиқ-овқат маҳсулотлари</b>	<b>4.9%</b>	<b>2.4%</b>
Мева	15.6%	7.7%
Сабзавот	13.8%	6.3%
Умумий овқатланиш	6.8%	0.8%
Гуруч	4.3%	0.6%
Қандолат маҳсулотлари	3.8%	1.0%
Бўғдой уни (1-нав)	1.9%	1.5%
Мол гўшти	1.6%	3.0%
Қўй гўшти	1.0%	3.0%
<b>Ноозиқ-овқат маҳсулотлари</b>	<b>2.0%</b>	<b>0.8%</b>
Маиший товарлар ва электр асбоблари	6.2%	0.7%
Ювиш ва тозалаш воситалари	6.3%	0.9%
Кийим-кечак	1.9%	1.1%
Оёқ кийим	1.4%	1.1%
Қурилиш материаллари	0.3%	0.6%
<b>Хизматлар</b>	<b>1.3%</b>	<b>0.6%</b>
Маиший хизматлар	4.7%	2.0%
Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш	9.0%	3.2%
Таълим хизматлари	0.5%	0.2%
Тиббий хизматлар	1.3%	0.8%




# Инфляцион кутилмалар




- Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан **кутилаётган инфляция даражаси** пасайиб бормоқда;
- Бироқ, инфляцион кутилмаларнинг **ҳақиқий инфляция даражасидан юқорилиги**, инфляцион хатарлар сақланиб қолинишини кўрсатади.

## 2019-2020 йиллар январь-февралда ажратилган ва сўндирилган кредитлар ҳажми (трлн. сўм)



- 2020 йилнинг январь-февраль ойларида **18,6 трлн. сўм** кредитлар ажратилган бўлиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **3,0 трлн. сўмга** ёки **20 фоизга** ошган;
- 2019 йил январь-февралда ажратилган кредитларнинг **49 фоизи** илгари берилган кредитларнинг сўндирилиши ҳисобига тўғри келса, 2020 йилнинг мос даврида бу кўрсаткич **70 фоизгача** кўтарилди.

## 2019-2020 йилларнинг январь-февраль ойларида кредитлар қолдиғи ўзгариши




2020 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодиётни кредитлаш ҳажмлари ўсиш суръати **2,5 фоизни** ташкил этди ва бу 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **3,5 фоиз бандга** пастроқдир.

# Пул-кредит шароитлари


# Пул-кредит операциялари

2020 йил январь-февралда пул-кредит операциялари (млрд. сўм)



- **700 млрд. сўмлик ДҚҚ муомалага чиқарилди;**
- **3.75 = 2 +1,75 трлн. сўм Марказий банк депозитлари ва облигациялари умумий миқдори.**

# Банклараро пул бозори



- Банклараро пул бозори операциялари ҳажми
- ▲ ТБ вакиллик ҳ/в ўртача ойлик қолдиғи
- Банклараро пул бозорида ўртача фоиз ставка (ўнг шкала)


# Пул-кредит операциялари

## Марказий банк облигациялари (млрд. сўм)



- ❑ Пруденциал назорат чораларнинг кучайтирилиши;
- ❑ Банк тизимида ортиқча ликвидликнинг юзага келиши;
- ❑ Таркибий профицитни самарали жалб қилиш (пул-кредит операциялари ёрдамида);
- ❑ **Ўртача тортилган фоиз ставканинг Марказий банк асосий ставкасига яқинлашиши.**


## Пул ўтказмалари ва аҳолининг хорижий валюта сотуви (млн. долл.)



- 2020 йил февралда аҳолининг хорижий валюта сотуви январь ойига (**418 млн. долл.**) нисбатан **23 фоизга** ўсиб, **514 млн. долларга** етди;
- Бу эса, февраль ойидаги трансчегаравий пул ўтказмаларидан (**385 млн. долл.**) **1,3 баробарга** кўп ҳисобланади.




# Аҳолининг муддатли депозитлар динамикаси




- Жамғармалар бўйича **долларизация даражаси** пасайиб бормоқда;
- 2020 йилнинг ўтган 2 ойида аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари **9,4 фоизга**, хорижий валютадаги муддатли депозитлари эса **0,2 фоизга** ошди.
- Миллий валютадаги депозитлар бўйича **ижобий реал фоиз ставкаларнинг** таъминланиши аҳолининг жамғариш кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

# I чорак учун ЯИМ прогнози

Ишлаб чиқариш ўсиш суръати (%)



Ишлаб чиқариш тафовути декомпозицияси (%)



## ЯИМ «жорий прогнози» учун Динамик омиллар модели (DFM):


- Ойлик кўрсаткичлардан фойдаланилди:
- саноат ишлаб чиқариши (январда – **6,6 фоизлик ўсиш**);
- кенг пул массаси (2019 йил январга нисбатан **9,8 фоизлик ўсиш**)
- экспорт ва импорт реал ҳажмининг ўсиши;
- Прогноз натижаларига кўра 2020 йил I чоракда ўсиш **5,6 фоизни** ташкил этади;
- 2019 йилнинг II ярмида бошланган **қатъий фискал шароитлар** ишлаб чиқариш манфий тафовутига асос бўлади.

# **Бугунги Марказий банкнинг бошқарув йиғилишида қабул қилинган қарорнинг асослари**

## Инфляция прогнозига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар

- маъмурий тартибга солинадиган нархларнинг режалаштирилгандан кўра юқорироқ даражада ошишининг кутилаётгани;
- дунёда коронавирусни тарқалиши билан боғлиқ глобал иқтисодий вазиятнинг мураккаблашиб бораётганлиги.
- Бюджет харажатларининг мавсумийлик хусусияти


## Электр энергия ва табиий газ нархларининг ўртача йиллик ўсиши (%)



# Ташқи шароитлар ва хатарлар

## Асосий савдо ҳамкорларда иқтисодий ўсиш

2020-2021 йилларда асосий савдо-ҳамкор давлатларда ЯИМ ўсиш прогнози



Манба: ХВЖ февраль 2020 й.

2020-2021 йиллар учун **глобал иқтисодий ўсиш** прогнози октябрь ойидагига нисбатан секинлашиш томонга қайта кўриб чиқилди ва мос равишда 0,1 ва 0,2 фоиз бандга пасайган ҳолда **3,3 ва 3,4 фоизни** ташкил этди.

## Асосий савдо ҳамкорлар


**Хитойда** иқтисодий ўсиш 2020-2021 йилларда мос равишда 5,6 (-0,4) ва 5,8 фоизгача секинлашиши. Ноаниқликлар мавжуд.

2020-2021 йилларда **Россия** (1,6 ва 1,8 фоиз) ва **Туркияда** (3 ва 3,5 фоиз)

Қозоғистонда 2020-2021 йилларда мос равишда **3,7 ва 3,9 фоиз**

# Ташқи шароитлар

Асосий экспорт товарлар (2016 декабрь =100, фоизда)



Январда олтин нархининг ошиши билан бир қаторда, Хитойда ишлаб чиқариш ва талабнинг пасайиши шароитида табиий газ, нефт ва мис нархининг пасайиши кузатилди.

# Коронавируснинг иқтисодиётга таъсири таҳлили

2019 йил якунлари бўйича Ўзбекистоннинг Хитой билан ташқи савдо айланмаси **18,1 фоизни** ташкил этган:

- **Экспорт – 2,5 млрд. долл.**, (*энергия ва нефть маҳсулотлари 917 млн. долл., текстиль – 438 млн. долл, хизматлар 694 млн.*)
- **Импорт – 5 млрд. долл.**, (*машина ва жиҳозлар 3,2 млрд. долл, кимё маҳсулотлари 768 млн. долл.*)

## Хомашё ва бутловчи қисмлар импорти

- Текстиль хомашёси – **56%**;
- Оёқ кийимлар хомашёси – **52,3%**;
- Мебель фурнитура – **38%**;
- Пластмасса ва полиэтилен гранулалар – **31,7%**.

## Инвестицион фаолликнинг секинлашиши

- Инвестицион товарлар умумий импорти - **36,3%**;
- Технологик ускуналар етказиб берилишининг кечикиш эҳтимоллиги

## Экспорт ҳажмининг қисқариши

- Хизматлар
- Транспорт
- Туризм



# Инфляция прогнози

## Инфляция, йиллик

